



# ДИПЛОМ ЙЎҚОЛСА ЁКИ ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛСА...



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# ДИПЛОМ ЙЎҚОЛСА ЁКИ ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛСА...

*Методик қўлланма*



ТОШКЕНТ  
2023

**УЎК: 34:378**

**КБК: 67**

**74.58**

**T – 71**

**Тошпулатов, О.**

Диплом йўқолса ёки яроқсиз ҳолга келса [Матн] : методик қўлланма /  
О. Тошпулатов. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-4-9

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги "Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликати бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 395-сонли қарори асосида тайёрланган.

Мазкур услубий қўлланмадан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи ҳамда битирувчиларига давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этувчи давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган фуқаролар (собиқ битирувчилар) маълумотини тасдиқловчи дипломини йўқотган ёки фойдаланиш учун ўзининг асл ҳолатини йўқотган, фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирган тақдирда дипломни қайта тиклаш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

#### **Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,  
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 34:378**

**КБК: 67**

**74.58**

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-4-9

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимиздаги рақамлаштириш жараёнлари инсон омилини камайтириш билан бир қаторда, жамиятга шаффоф ва адолатли тизимлар жорий этилишига сабаб бўлмоқда. Олий таълим соҳасида ҳам рақамлаштириш жараёнлари тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги “Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги 607-сон қарори билан олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларига махсус ҳимояга эга QR код тизими қўйиладиган бўлди. Шу муносабат билан олий таълим тўғрисидаги диплом маълумотларининг базаси автоматик тарзда шаклланиши имконияти яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан диплом дубликатларини олишнинг янгича механизми ва тартиби яратилди. Бу тартиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 21 июлдаги 395-сонли қарорида ўз аксини топган.

Янги тартиб билан диплом дубликатларини олишда фуқаролардан ҳеч қандай ортиқча ҳужжат талаб қилинмайди ҳамда тамомлаган олий ўқув юртига боришга ҳожат қолмайди.

Диплом дубликатларини олишнинг янгича тартиби жорий этилишидан аввал диплом дубликатини олиш истагида бўлган фуқаролар анча оворагарчиликларга дуч келар эди. Жумладан, диплом дубликатларини олиш жараёнлари қуйидагича эди:

1. Ички ишлар органлари тизимининг “Топилмалар столи”дан диплом йўқолганлиги тўғрисида маълумотнома олиш;
2. Дипломи йўқолганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериш;
3. Оммавий ахборот воситалари орқали дипломи йўқолганлиги тўғрисида эълон қилинган кундан 1 ой муддат ўтказиб, ўзи таҳсил олган таълим муассасасига бориб ариза қолдириш;
4. Таълим муассасасининг масъул ходими қолдирилган аризага мувофиқ тегишли ҳужжатларни умумлаштиради ва Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказидан диплом дубликатини расмийлаштириш учун диплом бланкасини олиб кетади;

5. Таълим муассасаси масъул ходими диплом дубликати расмийлаштиради ва фуқарони диплом дубликати тайёр бўлганлиги тўғрисида хабардор қилади;

6. Тайёр бўлган диплом дубликати олиш учун фуқаро таълим муассасасига боради.

Хуллас, фуқаролар бир дона диплом дубликати олиш учун 40-45 кун вақт сарфлар эди.

Фуқароларнинг дипломи йўқолса ёки яроқсиз ҳолга келса, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан тайёрланган ушбу қўлланмадан фойдаланган ҳолда диплом дубликати олишлари мумкин бўлади.

## **I. ДАВЛАТ НАМУНАСИДАГИ ДИПЛОМЛАР ТАВСИФИ**

### **Давлат намунасидаги дипломлар**

Давлат намунасидаги диплом деганда, аккредитация қилинган таълим ташкилотларининг давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим олган битирувчиларига бериладиган таълим тўғрисидаги ҳужжат тушунилади. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги битирувчиларга диплом бериш мақсадида таълим муассасаларини давлат намунасидаги олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан бериладиган диплом турлари қуйидагича:

- бакалавр дипломи;
- магистр дипломи;
- академик лицей дипломи;
- касб-ҳунар коллежи дипломи;
- бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги профессионал таълим дипломлари.

### **Амалдаги академик лицей дипломи**

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори 4-илоvasи билан академик лицей дипломининг давлат намунаси тасдиқланган.

### **Академик лицей дипломи тавсифи**

Академик лицей дипломи намунаси 150 x 100 мм ўлчовда тўқ кўк (аъло даражали диплом – қизил мармар) рангли ледериндан тайёрланган. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда юқорида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган, пастроқда давлат тилида “AKADEMIK LITSEY DIPLOMI” сўзлари ёзилган.

Аъло даражали дипломлар учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AKADEMIK LITSEY DIPLOMI” ва “REPUBLIC OF UZBEKISTAN DIPLOMA OF ACADEMIC LYCEUM” сўзларидан қуйида қизил мармар рангда давлат тилида “Аъло даражали” ва инглиз тилида “With honour’s” сўзлари

ёзилади.

Дипломнинг ҳар икки варағида саккизта позицияда: L ҳарфи ва еттита рақамли тартиб рақами ёзилади.

Муқовада матн олтин ранг зарли қоғозда, диаметри 45 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва “AKADEMIK LITSEY DIPLOMI” номи қиздириб нақш солиш йўли билан ёзилади.

### **Амалдаги касб-ҳунар коллежи дипломи**

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори билан касб-ҳунар коллежи дипломининг давлат намунаси тасдиқланган.

### **Касб-ҳунар коллежи дипломи тавсифи**

Касб-ҳунар коллежи дипломи 150 x 100 мм ўлчовда яхлит қопланган яшил (аъло даражали диплом — қизил мармар) рангли ледериндан тайёрланган кўринишга эга. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилади ва ундан пастроқда давлат тилида “KASB-HUNAR KOLLEJI DIPLOMI” сўзи ёзилади.

Аъло даражали дипломлар учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KASB-HUNAR KOLLEJI DIPLOMI” ва “REPUBLIC OF UZBEKISTAN DIPLOMA OF PROFESSIONAL COLLEGE” сўзларидан қуйида қизил мармар рангда давлат тилида “Аъло даражали” ва инглиз тилида “With honour’s” сўзлари ёзилади.

Дипломнинг ҳар икки варағида саккизта позицияда: K ҳарфи ва еттита рақамли тартиб рақами ёзилади.

Муқовада матн олтин ранг зарли қоғозда, диаметри 45 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва “KASB-HUNAR KOLLEJI DIPLOMI” номи қиздириб нақш солиш йўли билан ёзилади.

***Амалдаги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги профессионал таълим дипломлари.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги “Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида”ги 734-сонли қарори асосида профессионал таълим тўғрисидаги дипломларнинг давлат намунаси тасдиқланган.

### **Бошланғич профессионал таълим дипломи тавсифи**

Бошланғич профессионал таълим тўғрисидаги диплом муқовасининг томонлари 125x180 мм ўлчамда яхлит қопланган кўк рангли балакрон

матбаа материалдан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “BOSHLANG‘ICH PROFESSIONAL TA‘LIM DIPLOMI” сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 240x170 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми қора рангда ва тасвирий элементлари эса кўк рангда офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги кўк рангли бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSHLANG‘ICH PROFESSIONAL TA‘LIM DIPLOMI” ҳамда “DIPLOMA OF PRIMARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари ва РТ лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.

Имтиёзли диплом бланкаси учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSHLANG‘ICH PROFESSIONAL TA‘LIM DIPLOMI” ва “DIPLOMA OF PRIMARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “A‘LO DARAJALI” ва инглиз тилида “WITH HONOURS” сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балакрон матбаа материалдан тайёрланади.





## **Ўрта профессионал таълим дипломи тавсифи**

Ўрта профессионал таълим тўғрисидаги диплом муқовасининг томонлари 130x190 мм ўлчамда яхлит қопланган жигарранг бумвинил матбаа материалдан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “O’RTA PROFESSIONAL TA’LIM DIPLOMI” сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 260x180 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми учун қора рангда ва тасвирий элементлар учун жигарранг офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги жигарранг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI O’RTA PROFESSIONAL TA’LIM DIPLOMI” ҳамда “DIPLOMA OF SECONDARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари ва РТ лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.

Имтиёзли диплом бланкаси учун “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI O’RTA PROFESSIONAL TA’LIM DIPLOMI” ҳамда “DIPLOMA OF SECONDARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “A’LO DARAJALI” ва инглиз тилида “WITH HONOURS” сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балақрон матбаа материалдан тайёрланади.

## **Ўрта махсус профессионал таълим дипломи тавсифи**

Ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломининг муқоваси томонлари 130x190 мм ўлчамда яхлит қопланган ҳаворанг балақрон матбаа материалдан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “O’RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA’LIM DIPLOMI” сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 260x180 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми

қора рангда ва тасвирий элементлар учун эса кўк рангда офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги оч ҳаворанг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA‘LIM DIPLOMI” ҳамда “DIPLOMA OF THE SECONDARY SPECIALIZED PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари ва PT лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.


Имтиёзли диплом бланкаси учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RTA PROFESSIONAL TA‘LIM DIPLOMI” ҳамда “DIPLOMA OF SECONDARY SPECIALIZED PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида “A‘LO DARAJALI” ва инглиз тилида “WITH HONOURS” сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балакрон матбаа материалдан тайёрланади.

### **Амалдаги бакалавр ва магистр дипломлари**

Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган давлат намунасидаги бакалавр ва магистр дипломлари Ҳукуматнинг 2019 йил 19 июлдаги “Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги 607-сонли қарори билан тасдиқланган.

Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган якуний давлат аттестация синовидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даражадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Фанлар дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юкори (5 баҳолик тизимда 5 баҳо (аъло) ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан (5 баҳолик тизимда ўзлаштириш кўрсаткичи 4 баҳодан (яхши) кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовлари бўйича камида 86 балл (5 баҳолик тизимда 5 баҳо (аъло) ўзлаштириш



кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига “имтиёзли” диплом берилади.

### **Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр дипломи тавсифи**

Бакалавр дипломининг муқоваси томонлари 148x210 мм ўлчовда яхлит қопланган тўқ ҳаворанг сунъий чармдан тайёрланган кўринишга эга.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда латин ёзувидаги ўзбек тилида BAKALAVR DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Дипломнинг иккала саҳифасига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BAKALAVR DIPLOMI” ҳамда “REPUBLIC OF UZBEKISTAN BACHELOR’S DIPLOMA” сўзлари ва В латин ҳарфи ва саккиз хоналик сондан иборат бўлган рақам тўқ ҳаворангда (С95 М55 Y16 К51) муҳрланади (босилади).

Имтиёзли дипломлар учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BAKALAVR DIPLOMI” ва “REPUBLIC OF UZBEKISTAN BACHELOR’S DIPLOMA” сўзлари пастига олтин бўёқда латин ёзувидаги ўзбек тилида “IMTIYOZLI” ва инглиз тилида “WITH HONOURS” сўзлари ёзилган.

## Олий маълумот тўғрисидаги магистр дипломи тавсифи

Магистр дипломининг муқоваси томонлари 148x210 мм ўлчовда яхлит қопланган тўқ қизил сунъий чармдан тайёрланган кўринишга эга.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида MAGISTR DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Дипломнинг иккала саҳифасига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAGISTR DIPLOMI” ҳамда “REPUBLIC OF UZBEKISTAN MASTER'S DIPLOMA” сўзлари ва М лотин ҳарфи ва саккиз хоналик сондан иборат бўлган рақам тўқ қизил рангда (C15 M100 Y75 K60) муҳрланади (босилади).



## II. ДИПЛОМ ДУБЛИКАТЛАРИНИ ОЛИШ

### **Диплом дубликатлари қандай ҳолатларда берилади?**

Давлат намунасидаги дипломларни берувчи Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган фуқаролар дипломи йўқолган, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган (йиртилган, бўялган, сув теккан, асл ҳолатини йўқотган), исми, отасининг исми ёки фамилиясини ўзгартирган тақдирда, диплом дубликатларини олишлари мумкин.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги дипломлар ҳамда унинг дубликати бир хил юридик кучга эга бўлади.

Фуқароларнинг диплом дубликатини олиш бўйича қолдирган аризасига мувофиқ, бир вақтнинг ўзида диплом ва диплом иловасининг дубликати расмийлаштирилади.

Фуқаролар фақат диплом дубликатини тиклаб бериш юзасидан ҳам ариза юборишлари мумкин. Бунда фақат дипломнинг ўзи дубликат қилиб берилади. Худди шунингдек, фақат диплом иловасини тиклаб бериш юзасидан ҳам мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида охириги ўтган уч йил таҳлил қилинганда, фуқаролардан диплом дубликатини олиш бўйича ҳар йили қарийб 5 минг дона мурожаатлар келиб тушиши маълум бўлди. Шундан минг донаси олий ва ўрта махсус таълим тўғрисидаги диплом дубликатини олиш юзасидан бўлса, қолган 4 минг донаси профессионал таълим тўғрисидаги диплом дубликатини олиш учун келиб тушган аризалар эканлиги аниқланди.

### **Диплом дубликатларини олиш тартиби**

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган диплом дубликатини олиш истагини билдирган фуқаролар давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига боради ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади. Фуқаро Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи, яъни фуқаро номидан сўровномани электрон равишда тўлдиради.

ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтган фуқаро сўровномани ўзи электрон равишда тўлдиради.

Мазкур QR код орқали ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтган ҳолда, диплом дубликатларини олиш учун ариза қолдириш жараёнлари ва босқичлари кўриш мумкин.

Аммо мазкур тартиб ва жараёнлар ҳарбий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ариза қолдириш пайтида фуқаролардан давлат хизматларидан фойдаланганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдориди йиғим ундирилади.

Фуқаро сўровномани тўлдирганидан кейин давлат хизмати натижаси (диплом дубликати)ни олиш шаклини белгилайди, булар:

1. Давлат хизмати натижасини олишда почта алоқаси хизматидан фойдаланиш;

*(Мазкур хизматдан фойдаланиш танланганда фуқаронинг яшаш манзили ёзилади. Почта харажати билан боғлиқ тўловлар фуқаро томонидан қопланади).*

2. Давлат хизмати натижасини Ваколатли органдан фуқаронинг шахсан ўзи олиб кетиши.

Тўлдирилган сўровнома дарҳол Ваколатли органга юборилади. Ваколатли орган ўн иш куни давомида сўровномада кўрсатилган ва тегишли таълим муассасасидан олинган маълумотлар асосида диплом дубликатини расмийлаштиради ҳамда диплом дубликатини тайёр ҳолга келтиради.

Фуқаро диплом дубликатини олишда **“почта алоқаси хизматидан фойдаланиш”** шаклини танлаган бўлса, Ваколатли орган томонидан диплом дубликати тайёр бўлганлиги тўғрисида почта хизмати хабардор қилинади ва беш иш куни давомида фуқаронинг яшаш манзилига диплом дубликати етказиб берилади. Шунда, жами ўн беш иш кунда диплом дубликати фуқаронинг қўлида бўлади.

Агар диплом дубликатини **“Ваколатли органдан фуқаронинг шахсан ўзи олиб кетиши”** танланган бўлса, Ваколатли орган томонидан диплом дубликати тайёр бўлганлиги тўғрисида ахборот-коммуникация тизимлари орқали фуқаро хабардор қилинади. Фуқаро иш кунларининг хоҳлаган кунда Ваколатли органдан диплом дубликатини олиб кетиши мумкин бўлади.

Ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган диплом дубликатада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланса, фуқаролар ўн беш иш куни ичида йиғим тўламасдан, аввалги юборилган ариза рақамини



кўрсатган ҳолда Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали такрорий ариза юборишлари мумкин бўлади.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маълумотларни архивдан олиш зарурияти вужудга келган ҳолларда диплом дубликатини бериш муддатига қўшимча равишда яна беш иш куни қўшилади.

Агар сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса, уларни бартараф этиш учун фуқарога беш иш куни муддат берилади.

**Қуйидаги ҳолатлар диплом дубликатини олишда давлат хизмати кўрсатилишини рад этиш учун асос бўлади:**

- давлат хизматлари кўрсатиш учун белгиланган тўловни амалга оширмаслик;

- дубликат бериш бўйича асосли архив ҳужжатлари мавжуд эмаслиги;

- белгиланган муддатда хатолар бартараф этилмаганлиги.

Ушбу ҳолатларда фуқаролар умумий тартибда давлат хизматидан фойдаланиш учун такроран муурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади.

Фуқаролар давлат хизматларидан фойдаланишда уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Фуқаро давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бундай вазиятда тўланган йиғим суммаси фуқарога қайтарилмайди.

Ушбу QR код орқали диплом дубликатларини олиш учун ариза қолдириш жараёнлари ва босқичлари акс эттирилган.

### **Диплом дубликатларини расмийлаштирувчи ва тақдим этувчи ваколатли органлар**

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги диплом дубликатларини берадиган иккита Ваколатли орган мавжуд. Булар, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ва Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

Давлат хизматлари ёки ЯИДХП орқали олий таълим муассасаси ва академик лицей дипломи дубликатини олиш бўйича юборилган аризалар Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли таълим муассасасидан олинган маълумотлар асосида диплом дубликати расмийлаштирилади.

Диплом дубликатини олиш мақсадида сўровнома тўлдираётган вақтда **“Ваколатли органдан фуқаронинг шахсан ўзи олиб кетиши”**ни белгилаган фуқаролар олий таълим муассасаси ва академик лицей дипломи дубликатини **Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказидан** олиб кетиши мумкин.

**Ваколатли органнинг манзили ва телефон рақами:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Шифонур кўчаси, 75-уй, 71 207-03-43 (117).

Давлат ва нодавлат касб-ҳунар коллежлари ва профессионал таълим муассасалари дипломи дубликати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли таълим муассасасидан олинган маълумотлар асосида диплом дубликати расмийлаштирилади.

Сўровнома тўлдираётган вақтда **“Ваколатли органдан фуқаронинг шахсан ўзи олиб кетиши”**ни белгилаган фуқаролар касб-ҳунар коллежлари ва профессионал таълим муассасалари дипломи дубликатини **Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтидан** олиб кетиши мумкин.

**Ваколатли органнинг манзили ва телефон рақами:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Шифонур кўчаси, 76-уй, 71 246-69-22.



## ХУЛОСА

Ўзбекистонда давлат хизмат хизматларини кўрсатиш соҳасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Бундай ўзгаришлар пировардида инсон учун барча қулайликларни яратиш мақсад қилинган. Инсон эркинлигини том маънода таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи қулай механизмлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Айтиш лозимки, республикада давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 73 турдаги маълумотнома ва ҳужжатлар тақдим этилиши талаби бекор қилиниб, давлат органлари томонидан ушбу маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда олиш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олдини олиш, давлат органлари ахборот тизимида мавжуд маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур.

Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳар бир соҳада намоён бўлмоқда.

Таълим тизимида ҳам мана шундай қулай давлат хизматларини амалга ошириш фаоллашди. Жумладан, олий таълимга ўқиганлик тўғрисида маълумотнома бериш, курсдан-курсга ўтганликни тасдиқлаш, шартнома олиш ва бошқа хизматларни айтиб ўтиш лозим.

Ушбу методик қўлланмада ҳам узоқ вақтдан бери фуқаролар учун қийинчилик билан амалга ошириладиган жараён, яъни йўқолган ёки яроқсиз ҳолатга келиб қолган дипломни электрон тартибда олиш имконияти ҳақида тавсиялар ҳақида сўз боради.

Методик қўлланма таълим тўғрисидаги ҳужжатлари яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқолган фуқаролар учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда диплом дубликатини олиш учун ариза қолдириш ва тайёр бўлган диплом дубликатини олиш жараёнлари ўз ифодасини топган.

Методик қўлланма диплом дубликатини олишнинг янги тартиби жорий қилинганлиги, бу билан диплом дубликатини олиш жараёнларининг рақамлаштирилганлиги ҳамда фуқароларнинг оворагарчилигини олдини олишга хизмат қилади.

Дипломини йўқотган фуқаролар томонидан диплом дубликатини олишда коррупциявий ҳолатларнинг олди олинган бўлиб, фуқаролар ариза қолдиришда фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали ариза қолдиришлари ва белгиланган муддат ичида давлат хизмати натижасини олишлари мумкин эканлиги мазкур методик қўлланмада кенг ёритиб берилган.

Методик қўлланма орқали давлат хизматидан фойдаланиш истагида бўлган ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат эканлигини, қолаверса, давлат хизматини амалга оширувчи ваколатли органларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор бўлишлари мумкин бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ БУЙИЧА ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ  
РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармониға мувофиқ ҳамда таълим соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2020 — 2022 йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурининг 16-бандига мувофиқ олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар дубликатини бериш давлат хизматини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

йўқолган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолға келган, шунингдек, шахсинг исми (фамилияси, отасининг исми) ўзгарганда таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини олиш мақсадида давлат хизматидан фойдаланиш тартиби;

ариза берувчи томонидан сўровномани электрон равишда тўлдириш ва тасдиқлаш;

давлат хизматидан фойдаланиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундириш;

давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш асосларини белгилаш;

таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини расмийлаштириш тартиби;

тегишли ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган таълим тўғрисидаги ҳужжатда нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланганда,

ариза берувчи ўн беш иш куни ичида йиғим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиши тартиби.

3. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қиладилар.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадий академия, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини талабгорнинг мазилига етказиб бериш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ахборот тизимини ўз платформаси билан интеграция қилсин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича аризани кўриб чиқиш учун йиғим, давлат божи ва барча турдаги тўловларнинг Ягона биллинг тизимига уланишини таъминласин.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўлов қиймати суммасининг 90 фоизи миқдоридagi маблағ ундирилади.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 июль,  
395-сон

## ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний шахс (кейинги ўринларда — ариза берувчи)га давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали давлат намунасидаги таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим ташкилоти)ни тамомлаган, маълумотини тасдиқловчи ҳужжати (диплом, сертификат) йўқолган ёки фойдаланиш учун ўзининг асл ҳолатини йўқотган, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, дубликат бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар ҳамда унинг дубликати бир хил юридик кучга эга бўлади.

Ушбу Регламент ҳарбий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Маданият вазирлиги, Бадиий академия (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасаси ва академик лицей дипломи дубликати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан, давлат ва нодавлат касб-ҳунар коллежлари ва профессионал таълим муассасалари дипломи дубликати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, давлат ва нодавлат ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар дипломи дубликати ўз тизимига кирувчи таълим ташкилотлари бўйича Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан берилади.

5. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат этади ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

7. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

8. Ариза берувчи сўровномани ЯИДХП орқали тўлдирилганда, ундан электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

9. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ва йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўлов суммасининг 90 фоизи миқдоридаги маблағ ундирилади.

10. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

65 фоизи – тегишлилиги бўйича ваколатли органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига;

14,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

65 фоизи — тегишлилиги бўйича ваколатли органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий газна ҳисобварағига;

13,25 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади.

11. Давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Агар сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига беш иш кунидан иборат муддат берилади. Давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар ариза берувчига бир иш кун ичида юборилиши лозим. Давлат хизмати кўрсатилиши муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

12. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

13. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими

томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг сўровнома 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса – сўровнома автоматик тарзда тегишлилиги бўйича ваколатли органга юборилади.

14. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб ўн иш куни мобайнида тегишли таълим муассасалари ҳамда Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ўз имзоси ва муҳри билан расмийлаштиради ҳамда бу ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

15. Ариза берувчи таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ваколатли органдан олиб кетади.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра, таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликати ваколатли орган томонидан почта хизмати орқали юборилиши мумкин.

Бунда ваколатли орган давлат хизмати натижаси тайёр бўлганлиги ҳақида “Ўзбекистон почтаси” АЖни электрон тизим орқали хабардор қилгандан сўнг “Ўзбекистон почтаси” АЖ таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ваколатли орган манзилидан ариза берувчининг манзилига беш иш куни мобайнида етказиб беради.

16. Почта алоқаси орқали етказилган давлат хизматларининг натижаси учун амалга ошириладиган тўловлар ариза берувчи томонидан қопланади.

17. Ариза берувчи таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат дубликатини расмийлаштиришда хатоликлар мавжудлигини аниқлаганда, илгари юборилган ариза рақамини кўрсатган ҳолда такрорий ариза юбориш имкониятига эга бўлади.

Бунда ариза берувчи ўн беш иш куни ичида йиғим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ваколатли орган ариза берувчи томонидан мурожаат этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида аризани кўриб чиқиши шарт.

18. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маълумотларни архивдан олиш зарурати юзага келган ҳолларда давлат архивлари беш иш куни мобайнида белгиланган тартибда архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органга бепул тақдим этади. Бунда таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш муддатига қўшимча равишда яна беш иш куни қўшилади.

Дубликат бериш бўйича асосли архив ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли ҳужжатни бериш рад этилади.



### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ходимлари томонидан ариза берувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлар махфийлиги таъминланади. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

20. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги  
хужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишининг маъмурий регламентига

1-ИЛОВА

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги  
хужжатларнинг дубликатини бериш

СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжат дубликатини олиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтади.</p> <p>2. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжат дубликатини олиш учун тўловни амалга оширади.</p> <p>3. Ариза берувчи давлат хизмати натижаси почта алоқаси орқали етказилишини хоҳласа, почта хизматлари учун белгиланган тўловни амалга оширади.</p>	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	<p>1. Давлат хизматлари маркази</p> <p>2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали</p>	<p>Ариза берувчи томонидан берилган сўровномани ваколатли органларга юборади.</p> <p>Ваколатли органлар: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази;</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти; Маданият вазирлиги; Бадий академия.</p>	<p>1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида</p> <p>2. Автоматик тарзда</p>
3-босқич	Ваколатли органлар	<p>1. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжат дубликатини расмийлаштиради, давлат хизмати натижаси тайёр бўлганлиги ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.</p> <p>2. Тўлдирилган сўровномада давлат хизмати натижаси ариза берувчининг манзилига етказилиши кўрсатилганда, давлат хизмати натижаси тайёр бўлганлиги ҳақида “Ўзбекистон почтаси” АЖни ахборот-коммуникация тизим орқали хабардор қилади.</p>	10 иш куни мобайнида

4-босқич	<p>1. Ариза берувчи</p> <p>2. "Ўзбекистон почтаси" АЖ</p>	<p>1. Тайёр бўлган давлат хизмати натижасини ваколатли органлардан олиб кетади.</p> <p>2. Давлат хизмати натижаси ариза берувчининг манзилига етказилиши кўрсатилган бўлганда тайёр бўлган ҳужжат дубликатини ваколатли органлардан олиб, сўрономада кўрсатилган манзилга (ариза берувчига) етказиб беради.</p>	<p>1. Хоҳишига кўра</p> <p>2. 5 иш куни мобайнида</p>
----------	---	---	---

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига

2-ИЛОВА

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини олиш учун  
СЎРОВНОМА

(сана)	(рақами)
1. Фамилияси:	
1.1. Агар фамилияси ўзгарган бўлса, у ҳақида маълумот:	
2. Исми:	
2.1. Агар исми ўзгарган бўлса, у ҳақида маълумот:	
3. Отасининг исми:	
3.1. Агар отасининг исми ўзгарган бўлса, у ҳақида маълумот:	
4. Паспорт (ID — карта) маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):	
6. Туғилган санаси:	
7. Туғилган жойи:	
8. Яшаш манзили:	
9. Таълим муассасасининг номи, кирган ва тамомлаган йили, таълим тури, касби, таълим йўналиши ва мутахассислик номи:	
10. Электрон манзили ва телефон рақами:	
11. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини етказиб бериш жойи (манзил аниқ кўрсатилиши лозим)*:	

Изоҳ. Давлат хизматларининг натижасини почта алоқаси орқали етказиш учун тўловлар ариза берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини етказиб бериш бўйича кўрсатилган манзилнинг ҳаққонийлигига шахсан ариза берувчи масъул ҳисобланади.

\* Ариза берувчи давлат хизмати натижасини ваколатли органлардан ўзи келиб олиб кетса, мазкур позиция тўлдирилмайди.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.07.2022 й.,  
09/22/395/0655-сон)

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги “1999/2000 - ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги 282-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 75-сонли қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги “Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида”ги 734-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 395-сонли қарори.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 26-2018-сонли буйруғи.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги “Академик лицей битирувчиларига бериладиган академик лицей диплом илова намунасини тасдиқлаш ва академик лицей дипломи ҳамда диплом иловасини чоп этиш бўйича буюртмалар бериш ҳақида”ги 330-сонли буйруғи.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 декабрдаги “Профессионал таълим муассасаларини ўқув адабиётлари, ўқув машғулоти журнали, диплом ва диплом иловалари билан таъминлаш ҳақида”ги 1107-сонли буйруғи.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I. Давлат намунасидаги дипломлар тавсифи	
Давлат намунасидаги дипломлар.....	5
Амалдаги академик лицей дипломи.....	5
Академик лицей дипломи тавсифи.....	5
Амалдаги касб-ҳунар коллежи дипломи.....	6
Касб-ҳунар коллежи дипломи тавсифи.....	6
Бошланғич профессионал таълим дипломи тавсифи.....	7
Ўрта профессионал таълим дипломи тавсифи.....	8
Ўрта махсус профессионал таълим дипломи тавсифи.....	8
Амалдаги бакалавр ва магистр дипломлари.....	10
Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр дипломи тавсифи.....	10
Олий маълумот тўғрисидаги магистр дипломи тавсифи.....	11
II. Диплом дубликатларини олиш	
Диплом дубликатлари қандай ҳолатларда берилади?.....	12
Диплом дубликатларини олиш тартиби.....	12
Диплом дубликатларини расмийлаштирувчи ва тақдим этувчи ваколатли органлар.....	14
Хулоса.....	16
Иловалар.....	18
Фойдаланилган адабиётлар.....	28







Услубий нашр

ДИПЛОМ ЙЎҚОЛСА  
ЁКИ  
ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛСА...

Методик қўлланма

Муҳаррир  
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ  
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи  
О.Исмаилов

Техник муҳаррир  
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга  
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №115.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



# ДИПЛОМ

ЙЎҚОЛСА ЁКИ  
ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА  
КЕЛСА...



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-4-9



9 789943 909649